

Голландияда икки тилда Қуръон курслари иш бошлади



11:30 / 06.02.2019 2401

Голландиянинг Лахаё шаҳрида жойлашган Ал-Кавсар маданият институти томонидан ташкил этилган ушбу курсларда ёши катталар ва ўспиринлар учун алоҳида, болалар учун алоҳида дарслар бўлиши белгиланган. Ёши катталар ва ўспиринлар учун «Воқеа» сурасини ёд олиш ва тафсири ўргатилса, болаларга «Набаъ», «Назиат» ва «Абаса» сураларининг тиловати ўргатилади ва ёдлатилади. 1 февралда бошланган ушбу курсларнинг биринчи даври 14 апрелгача давом этади. Дарслар Ал-Кавсар маданият институтининг етук мутахассислари томонидан араб ва голланд тилларида ҳар жума куни бериб борилади.

Islom.uz портали таҳририяти